



Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисидаги ишларни судда кўришда прокурор иштироки

Бош прокуратура фуқаролик суд ишларини юритишда прокурор ваколатини
таъминлаш бошқармаси прокурори:
Курбанов Элёр Холмурадович

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 50-моддасига кўра, прокурор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ёки прокурорнинг даъво аризаси (аризаси) асосида қўзғатилган ишлардагина иштирок этиши мумкин. Прокурор бошқа шахсларнинг аризалари билан қўзғатилган ишнинг муҳокамасида ўз ташаббуси билан иштирок этиши мумкин эмас.

Агар фуқаро соғлиғининг ҳолати, ёши ёки бошқа сабабларга кўра судда ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини шахсан ҳимоя қилиш имкониятига эга бўлмаса, прокурор фуқаронинг бузилган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун ариза билан судга мурожаат этиш ҳуқуқига эга⁷.

Ушбу қоидадан кўриниб турибдики, фуқаролик процессида прокурор юқоридаги асослар ва шаклларда иштирок этади. Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисидаги ишларда одатда даъвогар ва жавобгар, уларнинг қонуний вакиллари, прокурор, васийлик ва ҳомийлик органлари иштирок этади.

Мазкур турдаги ишларда прокурор иштирок этиши шарт. Бу борада борада Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 80-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 1998 йил 11 сентябрдаги “Болалар тарбияси билан боғлиқ низоларни ҳал қилишда судлар томонидан қонунларни қўллаш амалиёти тўғрисида”ги 23-сонли қарорининг 13-бандига кўра, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисидаги ишлар прокурор ҳамда васийлик ва ҳомийлик органи иштирокида

⁷ Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси. – Тошкент. Адолат. 2022.



кўриб чиқилиши лозим. Прокурор ёки васийлик ва ҳомийлик органи вакили судга келмаган тақдирда ишни кўриш бошқа вақтга қолдирилиши лозим⁸.

Юқорида кўрсатилган асослар ушбу ишларда прокурор иштирокини мажбурийлигидан далолат беради. Ушбу ишларда прокурор иштироки, унинг процессуал ҳуқуқий ҳолатини ўрганиш жуда муҳим аҳамият касб этади. Бу борда юридик адабиётларда кўрсталишича, масалан, ҳуқуқшунос олим Ш.Ш.Шорахметов фикрича “прокурор ишда қандай шаклда иштирок этса ҳам, у ҳамма вақт суд фаолиятини эмас, балки судда қонуннинг бажарилиши устидан ўз ваколатини таъминлайди ва одил судловни амалга оширишда кўмаклашувчи шахс бўлиб қолаверади”⁹.

Ҳуқуқшунос олимлар М.М.Мамасиддиқов ва М.Каримовлар фикрича, “фуқаролик процессида прокурор зиммасидаги вазифанинг хусусиятидан келиб чиқиб, фуқаролик процессида иштирок этувчи бошқа шахслардан мустақил равишда ҳаракат қилишини, фуқаролик процессидаги тараф ёки процессуал маънода даъвогар деган нуқтаи-назарни илгари сурган муаллифларни фикри билан келишиб бўлмаслигини, тарафлар тушунчаси фуқаролик процессуал ҳуқуқи фанида муайян мазмун ва ўзига хос хусусиятларга эга”¹⁰.

У.Т.Шамшидинов фикрича, “прокурор зиммасидаги вазифанинг хусусиятидан келиб чиқиб, фуқаролик процессида иштирок этувчи бошқа шахслардан мустақил равишда ҳаракат қилади. Шунингдек, прокурорнинг фуқаролик процессида тараф ёки процессуал маънода даъвогар деган нуқтаи назарни илгари сурган муаллифларнинг фикри билан қуйидаги асосларга кўра келишиб бўлмайди: процессдаги тарафлар - даъвогар ва жавобгар тушунчаси - фуқаролик процессуал ҳуқуқи фанида муайян мазмун ва ўзига хос белгиларга эга. Тарафлар бўлиб ишнинг якунидан моддий ва

⁸ <https://lex.uz/docs/1447402>

⁹ Шорахметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Дарслик. (Лотин ёзувида). - Тошкент, ТДЮИ. 2007. -756

¹⁰Мамасиддиқов М., М.Каримов Фуқаролик процессида прокурор иштироки. Ўқув-амалий қўлланма. Проф.Ш.Ш.Шорахметов таҳрири остида. -Т.: АҚҲМИ, 2008. -Б.32.



процессуал манфаатдор шахслар ҳисобланади, улар процессда ўз номидан, ўзларининг субъектив ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиб иштирок этадилар”¹¹.

Ҳақиқатан юқоридаги ҳуқуқшунос олимларни фикрларини қўллаб қувватлаган ҳолда айтиш мумкинки, прокурор даъвогарнинг айрим махсус ҳуқуқларидан фойдалана олмаслиги, яъни агар даъвогар рози бўлмаса, прокурор ўзи арз қилган талабларнинг асосини ёки предметини ўзгартиришга, даъво талабларининг миқдорини кўпайтириш ёхуд камайитиришга ҳақли эмаслиги сабабли улар ўзларига юклатилган асосий вазифаларни бажаради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 16 январдаги “Одил судловга эришиш имкониятларини янада кенгайтириш ва судлар фаолияти самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-11-сон Фармони билан прокуратура органлари зиммасига бир қатор вазифалар юклатилди. Ушбу Фармонда одил судловни амалга оширишга кўмаклашиш бўйича Ихтисослашган прокурорлар корпуси фаолиятини йўлга қўйиш ҳамда уларнинг асосий вазифалари сифатида “Прокуратура тўғрисида”ги Қонун ҳамда процессуал қонунчиликда белгиланган тартибда судларда ишларни кўришда прокурор ваколатини таъминлаш, суд процессининг бошқа иштирокчилари билан тенг ҳуқуқлардан фойдаланган ҳолда одил судлов фаолиятининг самарали амалга оширилишига кўмаклашиш, фуқаролар ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатлари суд йўли билан самарали ҳимоя қилинишига эришиш каби устувор вазифалар белгиланди¹².

Мазкур устувор вазифаларни амалга ошириш мақсадида ота-оналик ҳуқуқидан махрум қилиш тўғрисидаги ишларни судда кўриб чиқиш жараёнида прокурор фаолиятининг таъсирчанлиги ва самарадорлигини оширишда қонун нормаларини халқаро стандартлар талабига мувофиқлаштириб бориш, прокурорнинг судда иштирок этиш билан боғлиқ нормаларни қайта кўриб чиқиш давр талабидир.

¹¹ Шамшидинов У.Т. Фуқаролик суд ишларини юритишда прокурор иштирокини такомиллаштириш масалалари // Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация.-Тошкент. 2023. Б.104-105.

¹² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 16 январдаги “Одил судловга эришиш имкониятларини янада кенгайтириш ва судлар фаолияти самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-11-сон Фармони // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 18.01.2023 й., 06/23/11/0033-сон.



Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси.-Тошкент. Адолат. 2022.
2. <https://lex.uz/docs/1447402>
3. Шорахметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Дарслик. (Лотин ёзувида). - Тошкент, ТДЮИ. 2007. –756
4. Мамасиддиқов М., М.Каримов Фуқаролик процессида прокурор иштироки. Ўқув-амалий қўлланма. Проф.Ш.Ш.Шорахметов таҳрири остида. –Т.: АҚХМИ, 2008. –Б.32.
5. Шамшидинов У.Т. Фуқаролик суд ишларини юритишда прокурор иштирокини такомиллаштириш масалалари // Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация.-Тошкент. 2023. Б.104-105.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 16 январдаги “Одил судловга эришиш имкониятларини янада кенгайтириш ва судлар фаолияти самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-11-сон Фармони // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 18.01.2023 й., 06/23/11/0033-сон.